ИНФЛЯЦИЯНИ ЮЗАГА КЕЛТИРУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УНГА ҚАРШИ СИЁСАТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

https://doi.org/10.5281/zenodo.6558047

Мусаев Зикир Зокирович
магистрант, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент, Ўзбекистон
и.ф.д. проф. **Вахабов А. В.**
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация: *Инфляция даражасини янада пасайтириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва барқарор иқтисодий ўсиш учун шароитлар яратишга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Мақола мазмуни, инфляциянинг иқтисодиётимизга таъсирини очиб беради.*

Калит сўзлар: *инфляция; ЯИМ; ЯИМ дифлятори; экспорт; импорт.*

Инфляция - бу товарлар ва хизматлар баҳоларининг ўсиши натижасида муомаладаги пул массасининг кўпайиши ва шунинг натижасида пулнинг қадрсизланишидир. П.Грауд ва М.Полан томонидан амалга оширилган ва инфляцияга бағишланган жиддий илмий тадқиқотлардан бири бўлиб, ушбу илмий иш 165 мамлакатни ва 1969-1999 йилларни қамраб олади [1]. Мазкур тадқиқот муаллифлари инфляциянинг миқдорийлик назарияси қоидаларидан бири бўлган - пулларнинг ўсиш суръати ва инфляция даражаси ўртасида тўғри мутаносиблик мавжуд, деган қоида тўғри ва статистик маълумотларда тасдиқланади, деган хулосага келдилар. Демак, пуллар таклифи экзоген

1-Расм. Инфляцияга таъсир этувчи омиллар ҳақида маълумот

омиллар туфайли юзага келган пулларга бўлган талабнинг ўзгаришига мослашади. Инфляциянинг оқилона даражасига эга бўлган мамлакатларда корреляция коэфффициэнти 0,24 га тенг бўлган бўлса, инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда ушбу коэффициэнт 1 га яқинлашди.

Инфляция – пул муомаласи қонунининг бузилиши, иқтисодиётда товар массаси ҳамда пул массаси ўртасидаги номутаносиблик жараёнида вужудга келади. Инфляцияни вужудга келишига қатор омиллар таъсир қилиб, уларни ички ва ташқи омилларга ажратиш мумкин [1].

1-расмда қайд этилгандек, ички омиллар таркибига ортиқча пул массаси вужудга келиши, миллий валютага нисбатан ишончнинг пасайиши, мамлакатнинг номутаносиб тўлов баланси кабиларни киритиш мумкин. Ташқи омилларга мамлакат ташқи сиёсатининг беқарорлиги, иқтисодий инқирозлар, молия ва фонд бозорларида индексларнинг ўзгариши кабиларни келтириш мумкин.

Инфляциянинг вужудга келишига муомала ва ишлаб чиқариш соҳаси, шунингдек, мамлакатдаги иқтисодий – сиёсий омиллар ҳам сабаб бўлади. Инфляциянинг вужудга келишида пул муомаласи омилларига бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида муомалага қўшимча тарзда чиқарилган пуллар, иқтисодиётда асоссиз равишда берилган кредитлар ҳажмининг ортиб бориши, мамлакат пул – кредит сиёсатига аҳоли ишончининг пасайиши ва бошқалар сабаб бўлади. Ишлаб чиқариш ва иқтисодий сиёсий омилларга мамлакатда импорт ҳажмининг экспорт ҳажмидан ортиб кетиши, товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифатининг пастлиги, бюджет – солиқ сиёсати, мамлакатнинг ташқи ва ички иқтисодий муносабатлар доирасида амалга ошираётган сиёсати ва бошқалар сабаб бўлади.

Инфляциянинг вужудга келишининг асосий сабабларидан бири иқтисодиётдаги ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилишидир. Инфляция шароитида капитал ишлаб чиқариш доирасидан муомала доирасига оқиб ўта бошлайди, чунки ишлаб чиқариш жараёни иқтисодий жиҳатдан самарасиз соҳага айланиб боради. Муомала жараёни кўп вақтни талаб этмаганлиги боис, дастлабки босқичларда унинг иштирокчиларига маълум миқдорда иқтисодий фойда келтиради, лекин инфляция жараёнларини тезлаштиришга хизмат қилади.

Инфляция механизми ўз – ўзидан ривожланиб, барча соҳа ва тармоқларни қамраб олади, унинг таъсирида жамғармалар ҳажми қисқаради, кредит, инвестиция ва товарлар таклифи камаяди [2].

Кўрсаткичлар	Миллий даромад	Ишсизлик
Мўътадил талаб инфляцияси	Ўсади	Камаяди
Харажатлар ўсиши билан келиб чиқадиган инфляция	Камаяди	Ўсади
Гиперинфляция	Кескин камаяди	Кескин ўсади

2-Расм. Инфляциянинг миллий даромадга таъсири ҳақида маълумот

2-расмда қайд этилгандек, инфляция миллий даромадга ва ишсизликка кескин таъсир кўрсатади. Яъни, юқоридагидек, уларнинг салмоғи ўсиш ёки пасайиш тенденциясига эга бўлади. Инфляцияни келтириб чиқарувчи биринчи сабаб – мамлакатда бозор механизмларининг тўлиқ жорий этилмаслиги, давлатнинг бюджет даромадлари ва харажатлари устидан монопол тартибини жорий этиши ҳисобланади. Бунда давлат бюджетининг даромадларидан ортиқча бўлган харажатлар, яъни бюджет тақчиллиги муомалага қўшимча пуллар чиқариш йўли билан қопланади. Бюджет тақчиллигини қоплаш учун муомалага чиқарилган пуллар товар моддий қийматликлари билан таъминланмаганлиги оқибатида мамлакатда инфляция даражасининг ортишига олиб келади. Иккинчи сабаби – асоссиз равишда иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг оширилиши, ушбу тўловлар давлат бюджети харажатлари таркибида қўзда тутилмаган бўлса, муомалага қўшимча эмиссия ҳисобига амалга оширилади. Бунинг натижасида иқтисодиётда товарлар ва хизматларнинг баҳоси ошади ва инфляция даражаси ортиб боради. Учинчи сабаби – мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг экспорт қилиш даражасининг пастлиги ва импорт даражасининг юқорилиги билан ифодаланади [2].

Мамлакатга кириб келаётган импорт товарлар ҳисобига хорижий валюталарнинг четга оқиб кетиши юз беради, натижада мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарлар нафақат ташқи эҳтиёжларни, балки ички эҳтиёжларни қондиришга ҳам хизмат қилмай қўяди. Бунинг оқибатида миллий валютанинг сотиб олиш қобилияти таборо салбийлашиб, инфляция даражаси ортиб боради.

Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳоли ва хўжалик юрутувчи субъэктлар жорий ҳисобрақамларидаги валюта маблағларини тижорат банкларининг муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига жалб этиш ва уларни иқтисодиётнинг устувор йўналишларига кредит сифатида йўналтириш иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифани ҳал этиш, ўз навбатида, хорижий валюталарда банкларга жалб этилган муддатли ва жамғарма депозитларига тўланадиган фоиз

ставкаларини ошириш йўли билан мазкур депозитларнинг аҳоли ва корхоналар учун жозибадорлигини оширишни тақозо этади [3].

Инфляцияни юзага келтирувчи асосий омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасида бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақининг ўсиши билан истеъмол товарлари баҳоларининг ўсиши ўртасидаги бевосита боғлиқлик мавжуд.

2. Республикамизда талаб инфляциясининг кучайиши натижасида ЯИМ дефляторининг юқори даражаси сақланиб қолмоқда.

3. Табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳоларининг ўсиш суръатларига эга эканлиги инфляцион жараёнларнинг юзага келишида муҳим ўрин тутмоқда.

4. Нақд пулларга бўлган талабнинг нисбатан юқори эканлиги.

5. Монетар сиёсатни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш сиёсатини такомиллаштириш борасидаги муаммоларни ҳал қилиш Марказий банкнинг кредитларнинг фоиз ставкаларига таъсир этиш орқали муомаладаги пул массасини тартибга солиш имкониятини оширади. Бу эса, пировард натижада, хўжалик юритувчи субъэктлар ва аҳолининг тўлов қобилиятини рағбатлантириш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади [4].

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги мажбурий захира сиёсатининг икки салбий жиҳати мавжуд:

1. Мажбурий захира ставкаларини сўмдаги депозитларнинг ҳар бир тури бўйича уларнинг суммасига боғлиқ равишда табақалаштирилмаганлиги натижасида трансакцион депозитларнинг сўмнинг алмашув курсига нисбатан салбий таъсири юзага келмоқда.

2. Тижорат банкларининг хорижий валютадаги депозитларига нисбатан мажбурий захира талабномаларининг жорий этилганлиги уларнинг хорижий валютадаги маблағларни муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига жалб этиш имкониятини янада пасайтиради. Инфляциянинг нисбатан умумий ҳамда анъанавий таърифи қуйидагича: Инфляция — муомалада керагидан ортиқча пул пайдо бўлиб, нарх-наво ўсиб, пул қадр-қиймати яни харид қобилиятининг пасайшни, пулнинг обрўсизланишидир.

Инфляция - бу барча товар ва хизматларга бўлган нарх индексининг кўтарилишидир.Инфляция нархларнинг ўсиш даражасини ўлчаш билан аниқланади. Кўпинча бунинг учун нархларнинг ўсиш динамикасини ифодаловчи кўрсаткичлардан фойдаланилади. Асосий кўрсаткич бўлиб нарх индекси ҳисобланади. У жорий йилдаги ўртача нархларни аввалги йилдаги ўртача нархларга нисбати тарзида ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасида улгуржи баҳолар индекси, чакана нархлар (истеъмол) индекси, ЯИМ, ЯИМ дифлятори — индекси, экспорт ва импорт нархлари ва бошқалар ҳисобланади.

Аммо инфляцияни пулнинг қадрини пасайиши, муомалада қоғоз пулларнинг кўпайиб кетиши тарзида кўрсатиш тўлиқ эмас, у нархларнинг ўсиши тарзида намоён бўлса ҳам уни фақат пул билан боғлаш ярамайди. У мураккаб иқтисодий воқелик, у бутун такрор ишлаб чиқаришнинг диспропорцияси, мутаносибликни бузилишини ифодалайди.

Пул муомаласи ҳолатига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам товар нархи кўтарилиши мумкин. Меҳнат унумдорлигини ўзгариши, циклик ва сезонли тебранишлар, таркибий силжишлар, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиниши, янги солиқ ставкаларини белгилаш, бозор конюнктурасининг ўзгариши, ташқи иқтисодий алоқаларнинг таъсири, стихияли фалокатлар ҳам нархларга таъсир қилади. Хуллас нархнинг ўсишига турли сабаблар бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай нархнинг ўсиши ҳам инфляция бўлавермайди. Юқорида кўрсатиб ўтган сабаблардан ҳақиқий инфляцияни олиб келувчиларни ажратиш зарур [5].

Конюнктуранинг циклик тебранишлар, табиий офатлари натижасида нархларнинг ўсишини инфляция деб айта олмаймиз.

Муомаладаги тўлов воситаларини мўллиги товарлар таклифи чекланганлиги билан тўқнашиб, у нархлар умумий даражасининг ўсишига олиб келади.

Таклиф ёки харажатлар инфляцияси – (сост-пуш инфлатион) нархларнинг ишлаб чиқариш харажатларини ўсиши билан характерланади.

Харажатларни ўсишига нархни монополистик бозор томонидан шаклланиши, давлатнинг молия сиёсати, хом-ашё нархларининг кўтарилиши, касаба уюшмаларининг талабига кўра иш ҳақининг ўсиши ва бошқалар сабаб бўлади. Аввалги миқдордаги қилинган харажатга аввалгидан кам миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилади. Натижада ўсган харажатларни қоплаш учун нарх оширилади.

Амалиётда талаб инфляцияси билан таклиф инфляциясини ажратиш қийин. Улар бир-бири билан чамбарчас боғланган. Масалан иш ҳақининг ўсиши ҳам талаб, ҳам таклиф инфляцияси тарзида ифодаланиши мумкин. Шунга аҳамият бериши керакки, XX асрнинг иккинчи ярмида узоқ вақт ҳеч қайси ривожланган мамлакатларда бир вақтнинг ўзида тўла бандлик, очиқ бозор ва нархлар барқарорлиги кузатилмади.

Нархлар доимий ўсиб бораяпти, уни иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти маълумотларидан кўриш мумкин. Инфляция суръатлари нисбатан ривожланаётган мамлакатларда, айниқса лотин Америкаси мамлакатларида юқори. Бунга сабаб давлат бюджетининг

катта тақчиллиги ва ташқи қарзларнинг кўплигидир. 60 йилларнинг охирларидан бошлаб нархлар хатто иқтисодий тушкунлик, тургунлик даврларида ҳам ХИХ аср охири ва ХХ асрнинг биринчи ярмида ишониб бўлмайдиган ҳолда ўсган.

Инфляция юз бериш миқёсига кўра: локал — бир мамлакат миқёсидаги, ҳамда жаҳон миқёсида юз берадиган инфляция тарзида ҳам изоҳланади.

Бундан ташқари иқтисодий адабиётларда баланслашган ҳамда баланслашмаган инфляция тушунчалари ҳам мавжуд.

Баланслашган инфляция деганда бир вақтнинг ўзида кўпгина товар ва хизматлар нархларининг унча кўп бўлмаган миқдорда ўсиши тушунилади. Нархларнинг йиллик ўсиш бўйича, % ставкаси ҳам кўтарилади, буни стабил нархлар билан тенглаштириш мумкин.

Баланслашмаган инфляция эса ҳар хил товарлар нархининг ўсиш суръати турлича бўлишини ифодалайди. Кутилаёттан инфляция билан кутилмаган инфляцияни ҳам фарқлаш зарур. Кутилаётган инфляция олдиндан айтиш мумкин ёки уни ҳукумат томонидан режалаштирилади. Кутилмаган инфляция тўсатдан нархларнинг кўтарилиб кетиши билан характерланади. У пул муомаласи ва солиқ тизимига ёмон таъсир қилади. Бундан аҳоли иложи борича пулидан тезроқ қутилишга ҳаракат қилади. Бу харакат оқибати қандай бўлишини биламиз. Тўсатдан бўлган инфляция иқтисодиётда кутилаётган, лекин ҳали бошланмаган инфляция жараёнида юз берса, аҳолининг ўзини тутиши тамомила бошқача бўлиши мумкин. Нархларнинг ўсиши қисқа фурсатда юз берадиган ҳолат деб истеъмолчилар нархларни пасайишини пойлаб, кам пул сарфлайдилар. Бу ўз навбатида талабни пасайтиради ва натижада нархларни пасайиши кузатилади [6].

Дунё тажрибаси кўрсатишича, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш шароитида, одатда кучли инфляцион жараёнлар билан содир бўлади. Ушбу холат собиқ иттифоқ таркибига кирган барча республикалар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам кузатилди. Мутақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда кучли инфляция кузатилган бўлса, охирги тўққиз йилда уни жиловлашга муваффақ бўлинди. Мустақилликнинг 20 йили давомида инфляциянинг турли шакллари намоён бўлди. Инфляциянинг оқибатлари жуда салбий холатларга олиб келади: аҳоли жамғармалари ва пулнинг қадрсизланиши ва ҳ.к. Замонавий ўзбек иқтисодиётига нисбатан икки хил қараш мавжуд. Биринчи қарашга биноан, ўзбек иқтисодиёти бошқалар каби иқтисодиёти, фақат бошланғич шартлари билан фарқ қилади. Бошқа қарашга кўра эса Ўзбекистонда ўзига хос хусусиятлар шунчалик кўпки, унинг муаммоларини ҳал қилиш учун янги иқтисодий назария бўлмасада, ҳеч бўлмаганда, мавжуд стандарт қарашларни сезиларли даражада

модификация қилиш талаб қилинади. Мамлакат миллий валютасининг харид қобилиятини мустаҳкамлаш, валюта курси барқарорлигини сақлаш, иқтисодиётнинг пулга бўлган талаб ва таклифини мувозанатли равишда қондириш, миллий ва халқаро ҳисоб-китоблар тизимининг узлуксиз ҳамда самарали ишлашини таъминлаш бошқа омиллар билан бир қаторда, монетар сиёсатда қўлланиладиган таргетлаш воситаларига ҳам боғлиқдир. Иқтисодий категориялар хилма – хил бўлиши билан бирга ҳар турли иқтисодий тизимларда амал қилиш хусусияти ва шартлари ҳам турлича бўлади. Талаб, таклиф, рақобат каби терминлар режали иқтисодиёт учун ёд тушунчалар бўлгани ҳолда инфляция атамаси барча иқтисодий тизимлар учун хос бўлган категория ҳисобланади. Инфляцион жараёнлар бошқарилиши муаммоси барча иқтисодий тизимларда мавжуд. Инфляция бошқарилиши бир вақтнинг ўзида барча макроиқтисодий кўрсаткичларга, иқтисодий субъэктлар фаолиятига, аҳоли даромадларига ва инвестицион фаолликка таъсир кўрсатади [7].

Ҳозирги даврда инфляция муаммоси иқтисодчи олимлар қашшоқ ёки ривожланаётган мамлакатлар ҳамда иқтисодиёти тараққий топган мамлакатлар ҳукуматларининг ҳам асосий диққат эътиборида турган умумиқтисодий ҳолат ҳисобланади. Айниқса, ушбу муаммо ҳамон давом этаётган жаҳон молиявийиқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишда жиддий тус олмоқда. Ҳар бир алоҳида олинган мамлакатда инфляция суръатларини бошқариш масаласи жуда муҳим аҳамият касб этади.

Инфляцияга қарши кураш сиёсатининг асосий мақсади бўлиб, инфляция устидан назорат ўрнатиш ва инфляцион жараёнларнинг чуқурлашишига йўл қўймаслик ҳисобланади.

Инфляцияга қарши кураш сиёсатининг муҳим йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Инфляцияни юзага келтирувчи монетар ва номонетар омилларнинг ҳақиқатдаги даражасига баҳо бериш.

2. Табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳоларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш.

3. Хўжалик юритувчи субъэктлар ва аҳолининг инфляцион кутиш психологиясига барҳам бериш.

4. Молия бозорларини ривожлантириш ва давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш.

5. Пул массасининг ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлаш.

Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида аҳоли ва корхоналар жорий ҳисобрақамларидаги валюта маблағларини тижорат банкларининг муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига жалб этиш ва уларни иқтисодиётнинг устувор йўналишларига кредит сифатида йўналтириш

миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифани ҳал этиш, ўз навбатида, хорижий валюталарда банкларга жалб этилган муддатли ва жамғарма депозитларига тўланадиган фоиз ставкаларини ошириш йўли билан мазкур депозитларнинг аҳоли ва корхоналар учун жозибадорлигини оширишни тақозо этади [8].

Инфляцияни юзага келтирувчи асосий омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасида бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақининг ўсиши билан истеъмол товарлари баҳоларининг ўсиши ўртасидаги бевосита боғлиқлик мавжуд. Ушбу боғлиқликнинг юзага келиши қуйидаги омилларга асосланади: – бюджет ташкилотларида иш ҳақининг ўсиши истеъмол товарларига бўлган талабнинг ошишига олиб келади, чунки истеъмол товарларининг сезиларли қисми аҳоли томонидан нақд пулларга харид қилинади; – чакана савдо шохобчалари орқали истеъмол товарларини сотаётган савдо ходимларининг онгига иш ҳақларининг ўсиши кучли психологик таъсир кўрсатмоқда.

2. Республикамизда талаб инфляциясининг кучайиши натижасида ЯИМ дефляторининг юқори даражаси сақланиб қолмоқда. Инфляциянинг классик талқинида, баҳоларнинг ўсиши, пулнинг айланиш тезлиги ўзгармасдан қолган шароитда, пул таклифининг ошишига боғлиқ. Пуллар таклифи ва пулнинг айланиш тезлиги ўзгармаган шароитда алоҳида товарларнинг баҳоси ўзгарганда ҳам мамлакатда баҳоларнинг умумий даражаси ўзгармасдан қолади. Шу сабабли, баҳолар умумий даражасининг ўсиши билан уларнинг алоҳида олинган товар позициялари бўйича ўсишини жиддий фарқлаш лозим.

3. Фуқароларимизнинг хорижий давлатлардан жўнатаётган пул ўтказмалари инфляцияни юзага келтираётган омиллар ичида асосий ўринни эгалламоқда.

4. Табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳоларининг ўсиш суръатларига эга эканлиги инфляцион жараёнларнинг юзага келишида муҳим ўрин тутмоқда.

5. Нақд пулларга бўлган талабнинг нисбатан юқори эканлиги. Аҳоли пуллик тўловларининг асосий қисмини нақд пулларда амалга оширилаётганлиги, пластик карточкалар ва пуллик чеклар воситасидаги тўловларнинг ривожланмаганлиги нақд пулларга бўлган талабнинг юқори даражада қолишига сабаб бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, нархлар барқарорлиги нол даражадаги инфляция орали изоҳланади. Инфляция ўзи билан бирга катта иқтисодий ва ижтимоий харажатларни олиб келади. Натижада ресурслар нотўғри жойлаштирилади ва бу ўз навбатида, иқтисодий самарадорликнинг пасайишига олиб келади. Шунингдек, инфляция

иқтисодий вакилларга ўз фаолиятини келгусида режалаштиришга халақитберади, ҳамда уларнинг олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга бўлган ишонч даражасини пасайтиради. Бундан ташқари, у миллий даромадни аҳолининг бир қисми фойдасига ва иккинчи қисми зарарига қайтатақсимлайди. Шу боисдан инфляцияга карши курашбутун дунёда ҳукуматнинг асосийвазифаларидан бири ҳисобланади.Ўтиш даври иқтисодиётини бошиданкечираётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, юқори суръатдаги инфляция кузатилган ҳаммажойларда у аҳолининг турмуш даражасига ёмон таъсиркўрсатган. Бундай мамлакатларда барқарорлаштиришгадоир барча дастурларнинг диққат марказидаинфляцияга қарши кураш масаласи туриши бежиземас. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсатини асосий вазифалрдан бири ҳам инфляция суръатларини пасайтиришдан иборат.Чунки Марказийй банкнинг монетар сиёсатин тўғри олиб борилишига таъсир қилувчи омиллардан бири бўлиб инфляция ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Graude P., Polan M. Is Inflation Always and Everywhere a Monetary Phenomenon? Discussion Paper. №2841 CEPR. 2001. June. – P. 26-29.
2. Catao L., Terrones M. Fiscal Deficits and Inflation // Working Paper. 65. IMF. – P. 63 - 67.
3. Hess G., Morris C. The Long-Ruh Costs of Moderate Inflation // Federal Reserve Bank of Kansas City Economic Review. 1996. Second Quarter. – P. 71-88.
4. Пивоварова М.А. Международная научно-практическая конференция: “Инфляция и экономический рост: теория и практика” // Деньги и кредит. – Москва, 2006. - №7. – С. 60.
5. Khan M. Senhadji. Thereshild Effects in the Relatioinshop between Inflation and Growth // IMF Staff Papers. 2001. Vol. 48. - P.1-21.
6. Hogan S., Johnson M., Lafleche T. Core Inflation // Bank of Canada Technical Report, 2001. №89.
7. О. Хмыз. Базовая инфляция и ее измерение (зарубежный опыт) // Экономист. – Москва, 2007.– №7.– С. 65 -77.
8. Kudrin A. Inflyatsiya: rossiyskie i mirovie tendentsii // Voprosi ekonomiki – Moskva, 2007. - №10. – S.19.

Technische Universität München